Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

№ 8 (21. 127) 1992 йил 10 январь, жума

Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги» Қонунга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунлар аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан олий назоратни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, жумҳурият суверенитетини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР Прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига айлантирилсин.

2. Республика ҳудудида иш кўраётган Ўрта Осиё транспорт прокуратураси, унинг органлари негизида вилоят прокуратураси ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон транспорт прокуратураси ташкил этилиб, у Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига бўйсундирилсин.

3. Прокуратура Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Иқтисодиёт комитети билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида Республика Прокуратураси органларининг тузилишига, уларни молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашга оид таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

«Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бир ой муддат ичида тайёрлансин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этилсин.

4. Белгилансинки, Мудофаа ишлари вазирлигида, унинг жойлардаги бошқармалари ва бўлимларида ҳамда жумҳурият ҳудудида жойлашган ички қўшинларда қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси прокурори зиммасига юкланади.

5. Ушбу Фармон имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

1992 йил, 8 январь.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

8 январь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Давлат мустақиллиги референдуми ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари билан боғлиқ вазифалари юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Н. Носировнинг ахбороти тингланди.

Муҳокамада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё, Сурхондарё, Андижон вилоятлари кенгашларининг биринчи котиблари Ф. Омонов, Ғ. Н. Машарипов, С. Усмонов, А. Э. Тўрақулов ва Н. Шокирова сўзга чиқдилар. Партия ташкилотларининг сайлов кампанияси давридаги ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр юритилди. Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят Кенгашининг сайлов кампанияси давридаги иши қониқарсиз, деб топилди. Қашқадарё вилоятининг айрим районлари, Бухоро вилоятининг Олот, Қоракўл, Пешку район партия кенгашлари фаолиятидаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Шу масала юзасидан қабул қилинган ҳужжатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва районлар партия ташкилотларига сайлов натижаларини чуқур таҳлил этиб, ундан тегишли хулосалар чиқариш ва сабоқлар олиш, партия барча бўғинларининг фаолиятини жонлантириш, унинг аъзолари фаоллигини ошириш, ташвиқот ва тарғибот ишларини, айниқса сайловчилар билан якка тартибда ишлаш усулларини такомиллаштириш, кадрлар ўқувини йўлга қўйиш каби муҳим вазифалар топширилди.

Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленумини февраль ойида чақиришга қарор қилди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Таъсис қурултойи қарорлари бажарилишининг бориши, партия тузилма бўғинларининг ташкилий шаклланиши, норматив-методик ҳужжатлари ва 1992 йилги бюджети масалалари кўриб чиқилади.

Сиёсий ижроия қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Ўзбекистон овози» ижтимоий-сиёсий рўзномасига илова тарзида рус тилидаги «Голос Узбекистана» ҳафталигини нашр этишни йўлга қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мазкур ҳафталик республикадаги турли миллатга мансуб аҳоли орасидан партия аъзоси бўлганлар ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсатини қўллаб-қувватловчи партиясизларнинг кўп сонли талаб-истакларини ҳисобга олиб ҳамда партиянинг фаолияти, дастурий мақсадлари ва сиёсати ҳақида уларни мунтазам хабардор қилиб туриш мақсадида ташкил этилаяпти. Февраль ойидан бошлаб «Голос Узбекистана» ҳафталигини мунтазам нашр этиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан ўзаро муносабатларига доир масала муҳокама қилинди. Партиянинг Республика Ёшлар иттифоқи билан ўзаро ҳамкорликда ишлаши тўғрисидаги шартнома маъқулланди.

Мажлисда собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг илгариги Ижтимоий-сиёсий муаммолар институти негизида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Сиёсий ва ижтимоий тадқиқотлар институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди.

Шунингдек, мажлисда партия марказий Кенгашининг 1992 йил биринчи чораги учун иш режаси маъқулланди, кадрларга, партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисни Ўзбекистон ХДП МКнинг биринчи котиби М. Расулов олиб борди.

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

8 январь куни Тошкентда Тожикистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида 1992 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Битимда икки республика ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ягона иқтисодий макон доирасида тенг ҳуқуқли шериклик ва ўзаро манфаатдорлик асосида амалга ошириш кўзда тутилган.

Битимда республикалар ҳудудида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар маҳсулот етказиб бериш юзасидан хўжалик шартномалари тузишни 1992 йил 15 январгача тугаллаши назарда тутилади.

Битим доирасида 1992 йилда маҳсулотлар ва моллар етказиб бериш ўзаро ҳисоб-китобига [illegible] лар нархи белгилаш ва нархларни тартибга солишнинг ягона сиёсатини ўтказиш кўзда тутилган.



Битимни имзолаш маросимида Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Д. Каримов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Т. Шарипов, Тожикистон билан Ўзбекистон вазирликлари ва маҳкамаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Суратда: Битим имзоланаётган пайт.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН БИРЖАЛАРИ УЮШМАСИ МАЖЛИСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари уюшмаси тузилганлигини табриклаб, унинг ташаббускорлари ва ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман. Ҳамдўстликдаги ҳар бир истиқлол ва мустақил давлат тараққиётининг шу қадар қийин даврида ишбилармонлик, ташаббускорлик, омилкорлик руҳини қайта тиклаш ва ўз халқлари бахт-саодати йўлида хизмат қилишга қаратишдек юксак мақсад амалда иқтисодиётни оғир иқтисодий танглиқдан олиб чиқишга интилаётган барча кишилар мадади ва хайрихоҳлигига сабаб бўлади.

Одамларнинг ишлаб чиқаришни, савдо, молияни ташкил этишнинг замонавий шаклларини яратишга, жаҳондаги ҳар қандай давлатда ҳамкорлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун бизга ҳозир кенг имконият зарур.

Бунинг йўли битта — бу йўл бозор муносабатларини фаол ривожлантириш, тангликни бартараф этиб, молия тизимини барқарорлаштиришга, истеъмол бозорини моллар ва хизматлар билан тўлдиришга катта имкон берадиган ишбилармонлик, майда ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали ўтади.

Барча халқларимиз учун, ҳар бир оила учун, диёримизда яшайдиган ҳар бир киши учун жуда муҳим бўлган бу мураккаб ишда сизларга муваффақият ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши, Ўзбекистонда купонларни жорий этиш билан боғлиқ масалалар мажмуини ва мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган бошқа республикаларда нарх-навога эркин тус бериш муносабати билан кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирларни оператив равишда кўриб чиқиш зарурлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясининг ялпи мажлисини илгари хабар қилинганидек 16 январда эмас, балки 13 январь, душанба куни давом эттиришга қарор қилинди. Сессия эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида иш бошлайди. Депутатлар 12 январь куни эрталаб соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 13 январь куни эрталаб соат 8.00 дан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Адлия органларининг роли ва масъулиятини ошириш, қонун чиқариш фаолиятини кучайтириш, аҳолига ҳуқуқий хизматни яхшилаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон ССРнинг Иттифоқ-республика Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигига айлантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин. Қарорда қуйидагиларни тузиш кўзда тутилсин:

Адлия ва суд муассасаларини ривожлантириш республика жамғармаси. Бу жамғарма юридик шахслар ҳамда фуқаролар судларга, нотариат ва ЗАГС органларига мурожаат қилишганида белгиланган тартибда ундириб олинадиган суд жарималари ва давлат пошлинаси маблағининг 20 фоизи миқдоридаги пул ажратмалари ҳисобидан тузилади;

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги ҳузурида ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти ҳамда «Ҳаёт ва қонун» юридик журналини чиқариш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуққа доир сиёсатини ўтказишда республика давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

республика органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳамда унинг фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

Тегишли ҳуқуқий масалаларни ечиш, Ўзбекистон республикаси Президентининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш чоғида Президент манфаатларининг ифодачиси бўлади;

бошқа давлатларнинг судларида томонлардан бири Ўзбекистон Республикаси бўлган низоларни кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикасидан вакиллик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги мана шу вазифаларни амалга ошириш учун бошқа республикалар ҳамда ажнабий давлатларнинг тегишли давлат органлари ва юридик муассасалари билан, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда музокаралар олиб боришга ҳамда шартномалар ва битимлар тузишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги икки ой муддат ичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий сиёсатини мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисидаги Низомни тайёрлаши зарур.

4. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

давлат ва хўжалик органларининг ҳуқуқий хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш, шунингдек, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам бериш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятига лицензия бериш;

вазирликлар, давлат комитетлари ва идоралар ўзларининг ҳуқуқ доирасида қабул қиладиган ҳамма учун мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларни ҳуқуқий жиҳатдан экспертиза қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтиёрига ўтказилган масалаларга доир қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсатига тақдим этиш;

Бухоро вилоят судининг доимий сессиясига, республика ҳудудида алоҳида тартиб билан ишлайдиган объектларга хизмат кўрсатувчи давлат нотариал идораси ва ҳуқуқий маслаҳат бериш хоналарига ташкилий раҳбарликни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат комитетлари ва идоралари зиммасига ўзларининг ҳуқуқ доирасида меъёрий ҳужжатларни чиқариш чоғида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ягона ҳуқуқий сиёсатни ўтказиш мажбурияти юклансин.

6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижроия комитетлари уч ой муддат ичида судларни, нотариал идораларни, ЗАГС органларини ва адвокатларнинг ҳуқуқий маслаҳат бериш хоналарини бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ҳамда ташкилий техника билан таъминлашга ёрдам берсинлар.

7. Адлия вазирлигига қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқини бериш масаласини муҳокама қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига таклиф киритилсин.

Ушбу Фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 8 январь.

ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Сизнинг ҳаракатларингиз туфайли Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди, Сиз ўтказаётган ички ва ташқи сиёсат республикамизда яшовчи барча халқларнинг манфаатларига мос келади. Сизни Ўзбекистондаги биринчи умумхалқ Президенти лавозимига сайланганлигингиз билан самимий табриклаймиз. Халқ турмушини яхшилашга доир муҳим масалаларни бажаришда Сизга куч ва ғайрат, Сиз халққа таяниб олиб бораётган изчил бунёдкорлик ишида муваффақиятлар тилаймиз. 1992 йил республикамиз халқлари ҳаётида унутилмас ажойиб йил бўлиб қолсин. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Жиззах вилоятидаги қирғиз маданияти марказининг раиси А. КАРИМОВ, марказ оқсоқоллар кенгашининг раиси Х. ШУКУРОВ.

●

Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Сиз Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланганингиз муносабати билан Қозоғистонда хизмат қилаётган барча ўзбекистонликлар номидан ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар йўллайман. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва турмушда фароғат тилайман. Эзгу тилаклар ила

Ғавсиддин ҲАМДАМОВ, катта лейтенант

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг биринчи халқ Президенти этиб сайланганлигингиз билан Сизни халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши ва вилоятнинг барча меҳнаткашлари номидан самимий қутлаймиз. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, аҳоли турмуш даражасини ошириш, халқ асрлар бўйи орзу қилиб келган мустақилликни мустаҳкамлаш ишида, республикани жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишда куч-ғайрат ва катта муваффақиятлар тилаймиз. Ана шу катта вазифаларни амалга оширишда бутун республика халқи ўзининг бунёдкорлик меҳнати билан сизни қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг раиси Б. ҲАКИМОВ.

●

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ КАРИМОВГА

Умумхалқ сайлови натижасида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти бўлганлигингиз билан Сизни, ҳурматли, Ислом Абдуғаниевич, Ленинград районининг уруш ва меҳнат фахрийлари номидан қизғин табриклайман. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ-умр, халқ фаровонлигини таъминлашга, республика мустақиллигини мустаҳкамлашга доир ишда катта муваффақиятлар тилайман.

Уруш ва меҳнат фахрийлари Ленинград район Кенгашининг раиси М. СУЛТОНОВ.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Бутун халқ Сизни суверен Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганлигингиз муносабати билан Тожикистон Жумҳурияти Ленинобод вилояти меҳнаткашларининг сидқидил қутловларини қабул этгайсиз. Катта-катта ташаббусларингиз амалга оширишда, Ўзбекистонни равнақ топтиришда муваффақиятлар тилаймиз. Халқларимиз кўп асрлардан бери дўст ва қардош бўлиб яшаб келмоқдалар. Ленинобод вилояти Ўзбекистоннинг саккизта вилояти билан чегарадош. Одамлар тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Қардош халқларнинг дўстлиги бундан ҳам мустаҳкамлана боришига аминмиз.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Т. МИРХОЛИҚОВ, вилоят ижроия комитетининг раиси Д. ШОКИРОВ.

●

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ҳур Ўзбекистоннинг сиздек олижаноб Президенти борлиги билан фахрланамиз. Ўйлаймизки, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун бор куч ва билимингизни, республика халқининг тинч-осойишта, фаровон яшаши учун қўлингиздан келган ҳамма ишларни аямайсиз.

Биз ҳам ўз навбатида Президент Фармонларини амалга оширишда, Ўзбекистон пойтахтида ҳуқуқ-тартибот ишларини кучайтириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш борасида бор кучимизни аямаймиз.

Сизга эзгу ишларда омад ёр бўлсин, Ўзбекистон халқи бахтига доимо соғ-саломат бўлинг!

Тошкент шаҳар давлат Автомобиль назорати бошқармаси кўп сонли ходимлари номидан бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Аҳмаджон ЭРКАБОЕВ.

●

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовга

Ҳурматли ва азиз Ислом Абдуғаниевич!

Халқ демократик партиясининг Самарқанд вилоятидаги аъзолари номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий қутлаймиз. Бутун Ўзбекистон ўз тақдирини демократик асосларда ўтказилган умумхалқ сайлови йўли билан сайланган мустақил Республиканинг Президенти билан боғлади. Элимиз Сизни тинчлик, тотувлик қўрғонининг меъмори, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида толмас курашчи деб билади. Сизнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланганлигингиз мустақил Республикани янада мустаҳкамлаш, халқни ҳимоя қилиш, адолат, ҳақиқат ўрнатиш, етим-есирлар, ногиронларнинг бошини силаш, қарияларни иззат-икром қилиш, келажак ҳаётимиз ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш йўлида ташланган жуда катта одимдир. Ҳали бу соҳаларда кўп ишлар қилишингизга ишончимиз комил. Республикамиз бахт-саодати йўлида, халқ фаровонлигини оширишда Сизга катта куч-ғайрат, мустаҳкам соғлиқ, улкан ютуқлар тилаймиз. Халқимиз бахтига ҳамиша бардам, саломат бўлинг.

Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгаши номидан

С. НИШОНОВ,

ХДП Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

●

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. КАРИМОВга

Ўзбекистон Президенти лавозимига бутун халқ томонидан якдиллик билан сайланганингиз билан сизни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг раёсати номидан астойдил ва чин кўнгилдан табриклаймиз.

Республиканинг барча фуқаролари каби биз, олимлар ҳам бутун республика меҳнатчилари каби Президент лавозимидаги икки йиллик фаолиятингиз давомида қилган катта хизматларингизни эътироф этиб, сизнинг номзодингизни шу юксак лавозимга муносиб деб топганликларидан беҳад хурсанд бўлдик. Сизнинг президентлик фаолиятингиз халқ бахт-саодатига, илм-фаннинг равнақига, олимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилашга хизмат қилишига ишончимиз комил. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, республикамиз равнақи йўлидаги ишларингизда куч-ғайрат, катта муваффақиятлар тилаймиз.

М. САЛОҲИДДИНОВ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти

●

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовга

Олмалиқ кон-металлургия комбинати кончилари, сараловчилари ва металлургларининг кўпминг кишилик жамоаси Сизни мустақил Ўзбекистон давлатининг Президенти лавозимига сайланишингиз билан қизғин ва астойдил табриклайди. Сизнинг бутун кўп қиррали фаолиятингиз халқ фаровонлигини оширишга ва республикани гуллатиб-яшнатишга хизмат қилишига комбинат кончиларининг ишончи комилдир. Бутун коллективнинг сиҳат-саломатлик, ўйлаган режаларингиз, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурингиз муваффақиятли амалга оширишни тилаб билдирган истакларини қабул этгайсиз.

• *Олий таълим: ўзгаришлар йўлидан*

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Республикамиз мустақиллик йўлидан дадил одимламоқда. Бу яқинда бўлиб ўтган XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси ҳужжатларида яна бир бор таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганидек, **«...оёқ-қўли боғланган киши қаноти синган қушдир. Эркинлик эса тараққиётнинг яккаю-ягона йўлидир. Шу сабабдан менинг яна бир муҳим мақсадим — эркинлик бериш ва ана шу эркинликни муҳофаза қилишдир. Биринчи галда тадбиркорликка, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик беришдир.**

Уларни ҳар қандай тазйиқдан қутқарамиз. Мулкчиликнинг барча шаклларига тенг шароит ва имтиёз яратилади. Ажнабий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилади. Қўшма корхоналар кўпаяди. Юртимизга чет эл сармояси жалб этилади. Замонавий технология олиб кириш йўлидан борамиз».

Бу сўзлар иқтисодий билимлар ўчоғи ҳисобланмиш Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни профессор-ўқитувчилари, талабаларига катта масъулият юклаши бежиз эмас. 1931 йилнинг августида Ўрта Осиё молия-иқтисодиёт олийгоҳи ташкил этилган эди, кейинчалик у Тошкент молия-иқтисодиёт олийгоҳига айлантирилди. 1962 йилдан бошлаб эса Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳи деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ олийгоҳимиз икки факультети негизида янги — Тошкент Давлат молия олийгоҳи вужудга келди. Янги билим масканининг асосий мақсади молия соҳасидаги мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш, банклар, молия ва ҳисоб-китоб муассасаларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборатдир.

Халқ хўжалиги иқтисодиётини юксак малакали кадрлар билан таъминлаш муаммосининг муҳимлигини ҳисобга олиб, ўтган йили июнь ойидан бошлаб Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳи Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунига айлантирилди.

Олийгоҳ ташкил этилган кунидан бошлаб 70 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди. Уларнинг кўпчилиги халқ хўжалигининг турли соҳаларида 30 мутахассислик бўйича меҳнат қилмоқдалар. Талабаларнинг кўпчилиги таниқли давлат арбоблари бўлиб етишишди. Уларнинг орасида 3 академик, 6 нафари эса турли академияларнинг мухбир аъзолари бор.

Билим масканида бозор иқтисодиётига ўтишда ёшларни замонавий илғор тажрибалар бўйича ўқитиш ва тарбиялаш жорий этилмоқда. Барча ўқув режалари ва дастурлари янгиланяпти, янги дарсликлар ва махсус курслар ўқитиляпти, янги мутахассисликлар очиляпти.

Олийгоҳда хорижий тилларни ўқитиш ва компьютер техникаларни ўргатишга алоҳида эътибор бериляпти. Ўқитувчилар молия-иқтисодиёт фанлари бўйича янги дарсликлар ва қўлланмалар тайёрламоқдалар. Кейинги ўн йилнинг ўзида 2 минг босма табоққа яқин умумий ҳажмда дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрланди.

Дорилфунунда ташқи алоқа иқтисодиёти фаолияти бўйича малака ошириш маркази ишлаб турибди. Бунинг учун марказда баҳо назарияси ва амалиёти, ахборот хизмати, маркетинг, замонавий муассасаларда бухгалтерия ҳисоботи ва ва бошқа кафедралар ташкил этилган. Бу кафедраларда машғулотлар янги замонавий дастурлар асосида ўтилмоқда ва дарсларга Москва, Санкт-Петербург ва бошқа жойлардан таниқли профессорлар таклиф этилмоқда.

Билим масканида аспирантура ва докторантура ишлаб турибди. Мингдан зиёд фан номзодлари ва докторлари тайёрланганлигининг ўзи қувончли ҳолдир. Фақат кейинги беш йилнинг ўзидагина 25 фан доктори тайёрланди. Бунинг учун докторлик илмий ишини ёқлаш учун иккита махсус кенгаш ва беш мутахассислик бўйича номзодлик ишини ҳимоя қилиш учун икки кенгаш иш олиб бормоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш олийгоҳга кадрлар тайёрлаш соҳасида янги вазифалар қўймоқда. Ўқув жараёнини тубдан қайта қуриш бўйича катта ишлар бошлаб юборилди, юқори малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Биз бунинг учун Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея, Франция, Англия, Бельгия, Жазоир, Германия ва бошқа мамлакатлар дорилфунунидаги талабаларни ўқитиш тажрибасидан келиб чиқмоқдамиз. Бунинг учун профессор-ўқитувчиларимиз кўпгина хорижий мамлакатларнинг дорилфунунларида бўлиб, тажриба ўргандилар.

Қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича мутахассислар тайёрлашга ҳам эътибор беряпмиз. Шуни ҳисобга олиб, 1991 йилдан бошлаб олийгоҳда халқаро иқтисодий муносабатлар янги факультети ташкил этилди.

Халқаро иқтисодий муносабатлар ва бошқа факультетларда ҳам хорижий тилларни ўрганиш кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Туркияга қилган сафари ва бир қатор ҳужжатларнинг имзоланиши бу мамлакат билан иқтисодиёт ва олий таълимнинг йўналишида ҳамкорлик учун янги йўллар очиши аниқ. Бунинг учун янги ўқув йилидан бошлабоқ турк тилини ўрганиш иши бошлаб юборилди.

Бугунги кунда 300 талаба ва 60 нафар ўқитувчи турк тилини меҳр билан ўрганмоқда.

Хорижий дорилфунунлар билан алоқанинг ўрнатилиши натижасида ўзбек—Америка бизнес мактабини ташкил этдик. Унда Америка Қўшма Штатлари дорилфунунлари етакчи профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар. Бу ишнинг якунлари бўйича АҚШ ўқитувчилари 25 талабани танлаб олди ва улар ўқишни бу мамлакатда давом эттирмоқдалар. 1991 йилнинг кузида эса олийгоҳда икки ҳафталик Ўзбек—Норвегия бизнес мактаби ишлади. Унда ҳам норвегиялик профессорлар сабоқ бердилар. Бугунги кунда Ўзбек—Турк бизнес мактабини очиш йўлида ҳаракат бормоқда.

Олийгоҳнинг 60 йиллик юбилейи арафасида ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий ҳамда илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Ўтган йилнинг декабрида эса «Олий мактаб ўқув жараёнида компьютерлаштириш муаммолари» халқаро илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Билим даргоҳида талабаларнинг ўқиши ва маиший шароитини яхшилашда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда 14 қаватли маъмурий ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1 миллион китобга эга уч қаватли кутубхона биноси талабалар хизматида. Янги соғломлаштириш лагери қурилиши якунланиш арафасида турибди.

Биз мустақил республикамизнинг эртанги кунини юқори малакали иқтисодиёт мутахассислари билан таъминлаш учун бор билим ва ғайратимизни аямай сарфлайверамиз. Ҳа, келажак бугундан бошланади.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент давлат молия олийгоҳи ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОД ДОРИЛФУНУНИ ВА МОЛИЯ ИЛМГОҲИ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фанни ривожлантиришга, халқ хўжалигининг юқори малакали мутахассисларини тайёрлашга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидаги ўртоқларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби»

Абдуллаев Ёрқул — молия илмгоҳининг таълим ишлари бўйича проректори

Абрқулов Қулмамат — иқтисод дорилфунуни «ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш» кафедрасининг мудири

Ғуломов Саидаҳрор Саидаҳмедович — иқтисод дорулфунунининг ректори

Сафоева Қумри — молия илмгоҳи олий математика кафедрасининг мудираси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Абдураҳмонов Қаландар — иқтисод дорилфунуни «иқтисод ва меҳнатнинг ижтимоий жиҳатлари» кафедрасининг профессори

Бекқулбеков Фарид — иқтисод дорилфунунининг доценти

Жалолов Жамол — иқтисод дорилфунуни «маркетинг ва ташқи иқтисодий реклама» кафедрасининг мудири

Исломов Сафар Одилович — молия илмгоҳи «ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш» кафедрасининг мудири

Қосимов Ботир Умарович— иқтисод дорилфунунининг доценти

Набиев Ҳамидулла — иқтисод дорилфунуни «статистика» кафедрасининг профессори

Назаров Азамат Шохназарович — иқтисод дорилфунуни сиртқи факультети декани

Носиров Шукурулло Ҳошимович — молия илмгоҳи «халқ хўжалиги тармоқлари иқтисодиёти» кафедрасининг мудири

Нехай Валентина Степановна — иқтисод дорилфунуни сиёсий иқтисод кафедрасининг профессори

Раззоқов Абдухалил Абдуҳолиқович — иқтисод дорилфунуни «иқтисодий таълимотлар тарихи» кафедрасининг мудири

Рашидов Уктам Юнусович — иқтисод дорилфунунининг проректори

Ҳамидов Хожиакбар — иқтисод дорилфунуни «сиёсий тарих» кафедрасининг доценти

Шоакрамов Қўчқор — молия илмгоҳи «технологиялар тизимлари» кафедрасининг доценти

Шодиев Турсун — иқтисод дорилфунуни «иқтисодий кибернетика» кафедрасининг мудири

Йўлдошев Зокир — иқтисод дорилфунунининг проректори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Исроилов Жўра — молия илмгоҳи «технологиялар тизимлари» кафедрасининг мудири

Ким Мин Гер — молия илмгоҳи «статистика» кафедрасининг доценти

Шанченко Иван Васильевич — молия илмгоҳи «пул муомаласи ва кредит» кафедрасининг доценти

Шарифхўжаев Мурод — молия илмгоҳининг ректори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи»

Ангелида Марта Семеновна — молия илмгоҳи «халқ хўжалиги тармоқлари молияси ва сармоя» кафедрасининг профессори

Зайниддинов Шавкат Нуриддинович — иқтисод дорилфунуни «ижтимоий иқтисодиёт ва хўжалик воситаларини бошқариш» кафедрасининг мудири

Эшмуҳамедов Анвар Эгамқулович — иқтисод дорилфунуни кафедра мудири

Комилов Шуҳрат Мирзааҳмедович — иқтисод дорилфунуни «ҳисоблаш техникаси» кафедрасининг мудири

Каримов Фатхулла Шукурович — молия илмгоҳининг проректори

Муҳиддинов Диёр Муталович — иқтисод дорилфунуни «тижорат ва ишлаб чиқариш воситалари маркетинги» кафедрасининг мудири

Салимов Хожиакбар — молия илмгоҳи профессори

Сотволдиев Абдураҳмон — молия илмгоҳи «бухгалтерлик ҳисоби» кафедрасининг профессори

Ҳакимова Матлуба Абдуллаевна — молия илмгоҳи «макроиқтисод» кафедрасининг мудираси

Шодмонов Шерқул — иқтисод дорилфунуни кафедра мудири

Яҳёев Қосим Абдуллахўжаевич — молия илмгоҳи «молия» кафедрасининг профессори

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Абдувоҳобов Ортиқхўжа — молия илмгоҳининг доценти

Абдуллаев Олимжон Мирзажонович — иқтисод дорилфунунининг профессори

Абдураимов Абдурашид Арслонович — молия илмгоҳи молия-иқтисод факультетининг декани

Акимов Искандар Усмонович — иқтисод дорилфунуни профессори

Олимжонов Одил Олимович — иқтисод дорилфунуни Андижон филиалининг докторанти

Ортиқов Абдураҳим — иқтисод дорилфунуни профессори

Бобожонов Ортиқбой — иқтисод дорилфунуни доценти

Бадалбоев Икром Сайфуллаевич — иқтисод дорилфунуни кафедра мудири

Воҳидов Содиқ — иқтисод дорилфунуни доценти

Ғозибеков Дилшод Ғуломович — молия илмгоҳи кафедра мудири

Зайниддинов Муҳиддин Ҳусаинович — иқтисод дорилфунуни профессори

Иминов Тоҳиржон Каримсвич — иқтисод дорилфунуни Андижон филиалининг директори

Қодирхонов Саидкаэим — иқтисод дорилфунуни профессори

Калонов Баҳодир Зикриллаевич — иқтисод дорилфунуни кечки факультетининг декани

Қоралиев Тўрабой Маматқулович — молия илмгоҳи профессори

Каримов Акрам Аббосович — молия илмгоҳи ўқув-иқтисод факультетининг декани

Каримов Акрамжон Тожиддинович — иқтисод дорилфунуни иқтисодий ахборот факультетининг декани

Нуриддинов Сайфиддин Зайниддинович — молия илмгоҳи «молия» кафедраси мудири

Сатторов Нуриддин Ортиқович — иқтисод дорилфунуни тайёргарлик факультетининг декани

Тошмуродов Тозабек — иқтисод дорилфунуни кафедра мудири

Тухватов Миндигали Бадриддинович — иқтисод дорилфунуни профессори

Умарова Мастура Ғуломовна — иқтисод дорилфунуни профессори

Фаттахов Аҳмаджон Азизович — иқтисод дорилфунуни тижорат факультетининг декани

Ҳакимов Назар — иқтисод дорилфунуни кафедра мудири

Ҳакимов Хондамир Маъруфович — иқтисод дорилфунуни доценти

Ҳошимов Баҳодир Абдуғаниевич — молия илмгоҳи сиртқи факультети декани

Хўжаев Нутфилло — иқтисод дорилфунуни кафедра мудири

Шоғиёсов Талъат Шаҳобович — молия илмгоҳи катта ўқитувчиси

Шермуҳамедов Аббос Тоировнч — иқтисод дорилфунуни профессори

Эгамов Эсон — молия илмгоҳи кафедра мудири

Эшанова Мила Ҳамроевна — иқтисод дорилфунуни кафедра мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 январь.

• Иқтисодиёт ва ҳаёт

ҚОЛОҚЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Гапнинг очиғини айтганда, уч йил илгари Тойлоқ районидаги Амир Темур (илгариги Ленинизм) номли боғдорчилик-узумчилик давлат хўжалиги қолоқ коллектив ҳисобланарди. Ўша йили унинг давлатдан қарзи 2 миллион 684 минг сўмни ташкил этганди. Даромад йўқлигидан одамларнинг ишдан кўнгли совиганди. Лекин яхши кунлар келишига бўлган ишонч сўнмаганди. 1989 йилда яна шундай умид учқуни порлади.

Яъни хўжаликка тажрибали, тадбиркор Тўхта Худойназаров раҳбар қилиб сайланди. У эса кўпчиликнинг ишончини оқлашга, соҳани фойдали тармоққа айлантиришга киришди. Дастлаб янги раҳбар одамларга фақат маҳсулот етиштириш билан иш битмаслигини, бунинг учун бошқа жойлардаги тадбиркорлар билан мол айирбошлашни йўлга қўйиш ва жамоага зарур бўлган молларни келтириш билан бирон натижага эришишлари мумкинлигини тушунтирди. Унинг ташаббуси билан шу ернинг ўзида балиқчилик хўжалиги ташкил қилиниб, маҳсулот сотила бошланди. Бундан ташқари асаларичилик йўлга қўйилди. Шу мақсадда 40 қути асалари оиласи сотиб олинди... Хўжаликда симбағаз тайёрлайдиган цех қурилганлиги айни муддао бўлди. Кўпчилик иш билан таъминланди. Қолаверса, ҳудабеҳудага сарф қилинаётган харажатларга чек қўйилди. Ортиқчаси эса қўшниларга сотилмоқда.

Хўжалик иқтисодиётида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Режалар бажарилиб, даромад ҳам аста-секин кела бошлади. Биргина 1990 йили меҳнатчиларга бир миллион 200 минг сўм маблағ мукофот тариқасида тарқатилди. Бугунга келиб хўжалик ҳисобида салкам тўрт миллион сўм пул бор. Ўтган давр мобайнида ишчиларнинг маоши тўрт бараварга ортди.

1991 йилги натижалар ҳам чакки бўлмади. Хўжаликда сабзавот, узум, пилла тайёрлаш режалари ортиғи билан адо этилди. Биргина Маматқул Бердиев бошлиқ бригадада: дон етиштириш режаси 144, сабзавот 105, узум 163, пилла 137 фоизга уддаланди.

Республика Президентининг қишлоқ аҳолисини газ ҳамда ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги Фармони мазкур хўжаликда жадал амалга ошириляпти. Ҳозиргача хонадонларнинг 60 фоиздан зиёди газлаштирилди. Беш километрлик йўл асфальтланди, етти километрлик йўлга эса шағал ётқизилди.

Келгуси режалар ҳам ёмон эмас. Лойиҳа қуввати 3 миллион 840 минг сўмлик консерва заводи бунёд этиш мўлжалланяпти. Минг тонна хўл мева сақланадиган совутгич қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари тахт. Тегирмон қурилмоқда.

Албатта, эришилган бу ютуқлар эътирофга арзийди. Бироқ бу режаларни бажариш йўлидаги тўсиқларни ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

Хўжалик раҳбарининг таъкидлашича, мол айирбошлаш йўли билан мева, сабзавот, узум сотиш равнақ келтириши мумкин бўлган ишончли восита ҳисобланади. Ўтган йилнинг ўзида ана шундай йўл билан 55,5 тонна ҳар хил ҳажмдаги мих, 8,3 тонна бўёқ, 281 тонна цемент, 56,7 тонна картошка, 1800 тонна шифер, анчагина миқдорда ёғоч-тахта материаллари келтирилди.

Аммо бунга жуда катта қийинчиликлар, овора-ю сарсонгарчиликлар эвазига эришилди. Масалан, юк жўнатиш жараёнидаги тўрачиликнинг шаклланганини қаранг: Бирор юкни шартлашилган жойга юбориш учун район ижроия қўмитасига хат билан мурожаат қилинади. Район ижроия қўмитаси эса вилоят ижроия қўмитасига расмий хат ёзади. Вилоят ижроқўмида тузилган махсус комиссия ўн кун муддатда бундай хатларни ўрганиб чиқади. Агар комиссия рухсат берсагина темир йўлга вагон олиш учун буюртма берилади. Вагон эса Тошкент орқали олинади. Энди бир тасаввур қилинг! Бу жараён учун камида бир ой муддат керак. Олма, узум ва шу сингари маҳсулотлар бу муддат ичида ириб-чириб кетади-ку!

— Етиштирилган маҳсулотга хўжаликларнинг ўзлари нарх белгиласин деб айтилаётган гапларга ишонмай қўйдик, — дейди хўжалик бош агрономи Ҳусанбой Мансуров. — Биз юз фоиз давлат буюртмаси асосида ишлаймиз. Мисол учун қайта ишлаш заводларига ва маҳаллий савдо идораларига узумнинг килосини 80 тийиндан топширамиз. 1,5 килограмм узумдан бир литр вино тайёрлаб, завод уни 8—10 сўмга сотади. Меҳнатнинг заҳматини боғбон чекади-ю, фойдасини завод олади. Ахир бу адолатдан эмас-ку.

Бош агрономнинг куюниб айтган гапларида жон бор. Демак, боғбон ва соҳибкорлар меҳнатини енгиллаштириш, уларга тўланадиган ҳақни кўпайтириш вақти келди. Ана шунда эл дастурхони мева ва сабзавот билан тўлади.

Р. ШОДИЕВ,
Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

ГУВЕРНЕР — УЙ ТАРБИЯЧИСИ

◉ ФАРҒОНАДАГИ «Нодира» оналар ва болалар муҳофазаси уюшмаси қошидаги гувернер — уй тарбиячилари маркази иш бошлади.

Гувернер аёл маълум ҳақ эвазига оилаларда фарзанд тарбияси билан шуғулланади. Ўтмишда кўплаб буюк адиб, бастакор, олим ва давлат арбоблари одатда мана шундай меҳрибон аёллар тарбиясида бўлишган. Энага болани мактабга кузатиб, кутиб олади. Дарсларни тайёрлашни назорат қилади, инглиз ёки француз тилини ўргатади, одоб-ахлоқ, шариат ва тариқат йўллари ҳақида сўзлаб, мурғак онгининг ўсишига йўл очиб, баркамоллик сари етаклайди.

Албатта, уйга гувернер олиш андак қимматга тушар, деган андиша ҳам бор. Зеро, шаҳарда янги касб эгаларини фарзанд тарбияси учун таклиф қилаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОТАРЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

Фарғона районидаги Ильич номли жамоа хўжалиги чорвадорлари учун масъулиятли бўлган давр — қўзилатиш мавсуми бошланди. Улар бу йил ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан тўл олишни режалаштиришган. Қўйчивонларнинг мақсади — туёқ сонини кўпайтириш билан бирга ҳар бош молдан икки килограммдан жун олишдир.

Зирахон Маматназарова қарийиб йигирма беш йилдан буён сурув боқади. Бош чўпон 12 фарзандни тарбиялаяпти. Ҳозир тўнғич фарзандлари қўй боқишда онасига ёрдам беришаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Зирахон Маматназарова қизи Юлдуз билан. 2. Ферма мудири Исроилжон Маъқулов.

Ш. АЛИМОВ олган суратлар.
[ЎзТАГ].

ТАБИИЙ ОФАТДАН ЗАРАР КЎРГАНЛАР УЧУН

Қорақалпоғистонда бошланган жала ва сўнгра ҳавонинг бирданига совиб кетиши Амударё бўйидаги қайир ерларда сув тошишига сабаб бўлди. «Аспантой» совхози қишлоқлари сув тошқинидан айниқса катта зарар кўрди, бу ерда саксондан ортиқ уй-жой, мактаб, жамоат бинолари, алоқа бўлимларига шикаст етди, моллар нобуд бўлди.

Табиий офат тўғрисида хабар келиши биланоқ жойларнинг ўзида зарур ёрдам кўрсатиш учун махсус комиссия тузилди.

Республика жамоат ташкилотлари жабрланган аҳоли учун дарҳол иссиқ кийим ва озиқ-овқат тўплай бошлади.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти марказий комитети Орол бўйидаги ҳалқлар бошига кулфат тушганини эшитиб, биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзди. Кўп ўринли палаткалар ва кўрпа-тўшаклар, болалар таомлари, консервалар, қуруқ сут ортилган самолёт Қорақалпоғистонга учиб кетди.

Жабрланган аҳолига жўнатиш учун бошқа зарур юклар ҳам тайёрланмоқда. Тармоқ касаба уюшмалари, меҳр-шафқат ва саломатлик жамияти, болалар жамғармаси ҳамда республикадаги бошқа жамоат ташкилотлари Орол бўйи аҳолисига ёрдам беради. **(ЎзТАГ).**

Хушхабарлар

МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

◉ МОСКВАДАГИ маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясининг «Ислом маданияти» жамғармаси Вобкент шаҳридаги машҳур минора майдонида Имом Исмоил ал-Бухорий номли маданий марказ қурилишига киришди.

Бу жамғарма маблағлари эвазига Қирғизистон ва Доғистондан кейин Бухоро вилоятида қурилаётган учинчи ислом марказидир. Марказ жомеъ масжиди, мадраса ва муҳташам меҳмонхона ва бошқа бинолардан иборат.

ЙЎЛОВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

◉ СВЕРДЛОВ районининг маркази — Жондор қўрғонида янги автовокзал фойдаланишга топширилди.

Қиймати деярли 300 минг сўм бўлган мазкур бино қурилишини райондаги Ленин номли жамоа хўжалиги ўз даромадлари ҳисобидан маблағ билан таъминлади. Янги автовокзал бир соатда 200 йўловчига хизмат кўрсатади. Бу ердан йўлга чиқадиган автобуслар 14 маршрут бўйлаб ҳаракат қилади. Йўловчилар учун барча шароитлар яратилган.

ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

◉ ҒИЖДУВОН район меҳнат жамоалари ўзларининг юртдошлари Абдухолиқ Ғиждувоний номидаги хайрия жамғармасини ташкил этдилар.

Ҳозиргача кўпчилик хўжаликлар бу жамғарма ҳисобига пул ўтказдилар. Район Кенгаши жамғармада тўпланган маблағлардан ичимлик суви муаммосини ҳал қилиш учун фойдаланишга қарор қилди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» материаллари изидан

«ҲАЙРОНМАН»

Рўзномамизнинг ўтган йили 26 октябрь сонида шу сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда мақола муаллифи Г. Рустамова ишдан ноҳақ бўшатилганлиги, бу масалани вилоят суди кўриб чиқиб, уни ишга тиклаш ҳақида қарор чиқариб берганига қарамай, «Иттифоқ» колхози раиси қарорини назар-писанд қилмаётгани ёзилганди. Ушбу мақола юзасидан САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИдан қуйидаги мазмунда жавоб олинди:

— Вилоят суди мақолани атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади. Гулчеҳра Рустамованинг «Иттифоқ» жамоа хўжалигига ишга тиклаш ва колхоз маъмурияти томонидан меҳнат дафтарчасининг берилмаганлиги туфайли мажбурий ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ундириб бериш тўғрисидаги даъвоси судда кўриб чиқилган. Суд жараёнида даъво асосли, деб тан олиниб, Г. Рустамовани ўз вазифасига тиклаш ҳамда жамоа хўжалиги маъмуриятининг айби билан бекор юрган пайти учун жами 1293 сўм ундиришга қарор қилинган.

Вилоят судининг Г. Рустамовани ишга тиклаш ҳақидаги ҳал қилувчи қарори қонунга кўра дарҳол адо этилиши лозим эди. Бироқ, Нарпай районидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалиги маъмурияти суд қарорини қонунда белгиланган муддатда бажармади. Шундан сўнг ўтган йил 26 август куни суд қарорини мажбурий равишда ижро этилишини таъминлаш Нарпай район халқ суди ижрочиси Б. Очилов зиммасига юклатилди.

У вилоят суди қарори бажарилишини бир неча бор талаб қилишига қарамай жамоа хўжалиги раиси Х. Шукуруллаев қарорни бажаришдан бош тортиб келаётир.

Шу боисдан «Иттифоқ» жамоа хўжалиги раҳбари вилоят суди томонидан чиқарилган қарорни бажаришдан бўйин товлашни бундан буён ҳам давом эттирса, у Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Ҳозир фуқаро Гулчеҳра Рустамованинг даъвоси Ўзбекистон Республикаси Олий судида назорат тартибида ўрганилаётир. Иш Олий суддан қайтиб келганидан сўнг, суд қарорини бажариш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

I бўлим.
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Ижара**

Ижара шартнома асосида ерга, бошқа табиий ресурсларга, шунингдек хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш учун ижарачига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланишдан иборатдир.

Ижара Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маън этилмаган фаолиятнинг ҳамма соҳасида мулкчиликнинг барча шакл ва туридаги мол-мулкка нисбатан қўлланиши мумкин.

2-модда. **Ижара тўғрисидаги қонунлар**

Ижара муносабатлари ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3-модда. **Ижара муносабатларининг объекти**

Қуйидагилар ижара муносабатларининг объектлари бўлиши мумкин, чунончи:

корхоналар, айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар, фермалар, бошқа бўлинмалар, ташкилотлар;

айрим бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, инвентарлар, асбоблар, бошқа моддий бойликлар;

ер (қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлар ижарага фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун берилади) ва бошқа табиий ресурслар.

Ижарага топширишга йўл қўйилмайдиган корхоналар, ташкилотларнинг турлари (гуруҳлари), мулк ва табиий ресурсларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

4-модда. **Ижара муносабатларининг субъектлари**

Ижарага берувчи ва ижарачи ижара муносабатларининг субъектлари ҳисобланадилар.

Мол-мулк эгаси ёки у вакил қилган идора, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган ижарага берувчи ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан совет ва чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар, халқаро уюшмалар ва ташкилотлар, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ижарачи бўлишлари мумкин.

Чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг давлат мулкини ижарага олишдаги иштироки Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

5-модда. **Ижара шартномаси**

Томонларнинг ихтиёрийлиги ва тўла тенгҳуқуқлилиги асосида маълум муддатга тузиладиган ижара шартномаси ижара муносабатларининг юзага келишига асос бўлади. Бунда қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун ерни, бошқа табиий ресурсларни ижарага олиш узоқ муддатга — камида 5 йилга мўлжалланган бўлиши керак.

Ижара шартномаси танлов асосида тузилиши мумкин.

Ижара шартномасида:

ижарага берилаётган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати, уни ижарага бериш тартиби;

ижара муддати;

ижара ҳақи шартлари ва миқдори, уни тўлаш муддатлари;

ижарага берувчи ижарачига бериши керак бўлган мол-мулкнинг ҳолати;

ижарачининг мол-мулкдан фойдаланиш шартлари;

шартноманинг амал қилиши тўхтатилганидан кейин ижарачининг мол-мулкни ижарага берувчига қандай ҳолатда ва қай тартибда қайтариши;

ижарага берилган мол-мулкни тиклаш ва таъмирлаш юзасидан томонларнинг мажбурияти;

тўла амортизациядан сўнг мол-мулк кимга қарашли бўлиш шартлари;

агар ижарага олинган мол-мулк кейинчалик сотиб олиш шарти билан топширилаётган бўлса, уни сотиб олиш шартлари, тартиби ва муддати;

ижарага олинган мол-мулкни иккиламчи ижарага бериш шарти, тартиби ва имконияти;

ижарага олувчи ижарага берувчига тақдим этадиган ахборотнинг кўлами ва ахборотни бериш муддатлари;

томонларнинг масъулияти кўзда тутилади.

Ерни ва бошқа табиий ресурсларни ижарага олиш шартномасига табиий объектдан мўлжалланган мақсадга мувофиқ ҳолда оқилона фойдаланиш юзасидан ижарачининг мажбуриятлари кўзда тутилган қоидалар ҳам киритилади.

Ижара шартномасида ижарага берувчининг ноишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли мол-мулк объектлари ва уларнинг қиймати алоҳида ажратиб кўрсатилади, томонларнинг ушбу объектларга нисбатан мажбуриятлари (уларни асраш ва сақлаб туриш) ҳам айтиб ўтилади.

Ижара шартномасига бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

6-модда. **Ижарага олинган мулкнинг қиймати**

Ижарага берилаётган давлат мулкининг қиймати — Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланади.

Ижарага берилаётган давлатга қарашли бўлмаган мулкнинг қийматини мулкдор белгилайди.

7-модда. **Мол-мулкни ижарачига бериш**

Ижара берувчи ижарачига мол-мулкни у қайси мақсадга мўлжалланган бўлса, шунга мос ҳолатда ёки шартномада кўзда тутилган ҳолатда топшириши шарт.

Ижарага берувчи ижарага топширилган мулкдан фойдаланишга халақит бераётган нуқсонлар учун, шу жумладан шартнома тузиш чоғида аниқланмаган нуқсонлар учун ҳам жавобгардир.

Агар ижарага берувчи ижарага берилган мулкни ижарачига фойдаланиш учун ўз вақтида бермаган бўлса, ижарачи ундан бу мулкни талаб қилиб олишга ҳамда ижрони кечиктириб юборганлиги оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ёхуд шартномадан воз кечиб, шартномани бажармаганлик оқибатида ўзига етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли.

8-модда. **Ижарага олинган мол-мулкни иккиламчи ижарага топшириш**

Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ижарачи ижарага олинган мол-мулкни, ер ва бошқа табиий ресурслардан ташқари, ижарага берувчининг рухсати билан иккиламчи ижарага топширишга ҳақлидир. Бунда ижарага олувчи шартномага мувофиқ ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

9-модда. **Ижарага бериш чоғида мулкчилик**

Мол-мулкни ижарага бериш ана шу мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг бошқа кишига ўтказилишига олиб келмайди.

Башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ижарага олинган мулкдан фойдаланиб тайёрланган маҳсулот ва олинган даромад, шунингдек ижарага олинган мол-мулк орқасидан орттирилган фойда (даромад) эвазига сотиб олинган мол-мулк ижарачига тегишлидир.

Ижарачининг ижарага олинган ер участкасида ўз маблағлари ва қарзга олган маблағлари ҳисобидан қурилишнинг умумий қоидаларига риоя қилган ҳолда зарур ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бинолари, шу жумладан уй-жой қуриш ҳуқуқи шартномада кўзда тутилган бўлиши керак. Айни пайтда ижара шартномасининг амал қилиши тўхтатилгач, мазкур бинолар ва иншоотлар кимга тегишли бўлиши қайд этиб қўйилиши керак.

Ижарага олинган ҳудудда ижарага берувчининг ижозати билан ижарачининг маблағларига қурилган, бошқа жойга кўчириш мумкин бўлмаган бинолар ва иншоотлар, ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ижарага берувчига тегишли бўлади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг ёки шартнома бекор қилинганда ижарачи уларнинг қийматини ижарага берувчидан қайтариб олишга ҳақлидир.

Ижарага олинган ҳудудда ижарага берувчининг рухсатисиз ижарачининг маблағига қурилган бинолар ва иншоотлар, башарти, уларни кўчириш мумкин бўлмаса, ижарага берувчига тегишлидир. Агар ижарага берувчи уларни бузиб ташлашни талаб қилса, ижарачи уларни ўз ҳисобидан бузиб ташлаши ёки уларни бузиб ташлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга мажбурдир.

Ижарага олинган корхонанинг мол-мулкида корхона меҳнат жамоасининг аъзолари шу мол-мулкни вужудга келтириш учун ўз шахсий меҳнати билан, шунингдек пул ва бошқа мулкий бадаллар билан қўшадиган улушнинг миқдори корхона уставида кўзда тутилган шартлар ва тартиб асосида белгилаб қўйилади.

Ижарага олинган корхона мол-мулкига меҳнат жамоасининг аъзоси қўшган улушнинг қиймати бўйича корхонанинг уставига мувофиқ қимматли қоғозлар берилиши мумкин. Мазкур қимматли қоғозларга меҳнат жамоаси ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига ва корхонани ривожлантириш вазифаларига қараб белгилайдиган миқдорда дивидендлар тўланади. Қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати қоғоз эгаларига корхона уставида назарда тутилган ҳолларда тўланади.

Корхона уставида у билан меҳнат муносабатларини тўхтатган меҳнат жамоаси аъзоларига дивидендлар тўлаш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилади.

Ижарага олинган корхона ихтиёрида қоладиган фойда (даромад) ижарага берилган корхона жамоасининг қарорига мувофиқ тақсимланади.

10-модда. **Ижарачининг ҳисобларидан пул маблағларини чиқариб ташлаш**

Ижарачининг ҳисобларидан пул маблағларини чиқариб ташлаш унинг кўрсатмасига ёки тегишли суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

Ижарачининг ҳисобларидан пул маблағларини муқаррар чиқариб ташлашга фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

11-модда. **Ижарага олинган мулкни яхшилаш**

Ижарачи, башарти шартномада ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ижарага олинган мол-мулк таркибига унинг қийматини оширадиган ўзгартишларни мустақил равишда киритиш, мол-мулкни реконструкциялаш, кенгайтирил, техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга ҳақлидир.

Ижарага олинган мол-мулк, башарти, ижарага берувчининг ижозати билан яхшиланган бўлиб, ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг ёки шартнома бекор қилингач, ижарачи ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатлари қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ижарага берувчининг рухсатисиз амалга оширилган яхшилашлар, агар уларни ижарага берилган мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилингач, ижарага берувчига текинга ўтади.

Ижарага берувчининг рухсатисиз амалга оширилган яхшилашларни ижарага берилган мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса, ижарага берувчи уларнинг таннархини тўлашга рози бўлмаса, бундай ҳолда ижарачи уларни ўзига олиши мумкин.

12-модда. **Ижара ҳақи**

Ижара ҳақи ижара шартномасида томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади, бунда ер ва табиий ресурслар учун ижара ҳақи Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатилган тартибда ва доирада белгиланади.

Ижара ҳақи ижарага олинган мол-мулкнинг эгасига тўланади. Бунда, башарти давлат корхонасига тегишли мол-мулк ижарага берилган бўлса, ижара ҳақи тегишли бюджетга келиб тушади.

Ижара ҳақи ижарага олинган бутун мол-мулк учун яхлит ёки ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида натура, пул ёки аралаш шаклларда белгилаб қўйилиши мумкин. Ижара ҳақини тўлаш шартлари ва муддатлари шартномада белгилаб қўйилади.

Ижара ҳақи миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ шартномада кўзда тутилган муддатларда ўзгартирилиши мумкин. Ижара ҳақининг миқдори марказлаштирилган тартибда белгилаб қўйиладиган нархнаво ва тарифлар ўзгарган тақдирда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда томонлардан бирининг талабига мувофиқ муддатидан олдин қайта кўриб чиқилиши мумкин.

13-модда. **Ижара шартномаси шартларини ўзгартириш, уни бекор қилиш ва тўхтатиш**

Ижара шартномаси шартларининг ўзгартирилишига, унинг бекор қилинишига ва тўхтатилишига томонларнинг келишуви билан йўл қўйилади.

Томонларнинг бири шартнома шартларини бузган тақдирда иккинчисининг талабига кўра ижара шартномаси тегишли суднинг қарори билан бекор қилиниши мумкин.

Ижарачи ногирон бўлиб қолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ҳолларда шартноманинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартларда тўхтатилади. Бундай ҳолларда ижарачининг оила аъзоларидан бири ижара шартномаси тузишда устун ҳуқуққа эга бўлади. Ижарачи содир этган жиноят учун келгусида шартномани бажара олишига имкон бўлмайдиган усулда жазоланган ҳолларда ҳам ижара шартномаси тўхтатилади.

14-модда. **Ижара шартномасини давом эттириш**

Ижара шартномаси муддати тугаганидан кейин ҳам ижарачи ижарага олинган мулкдан амалда фойдаланишни давом эттираверса ҳамда ижарага берувчи ижара шартномаси муддати тугагунига қадар бунга ҳеч қандай эътироз билдирмаган ва шартномада ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда шартнома худди шу муддатга давом эттирилган ҳисобланади.

Шартнома муддати тугагач, шартномадаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарачи шартномани қайта тиклашда бошқа шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга бўлади.

15-модда. **Ижарачи вафот этган тақдирда ижара шартномаси кучининг сақланиб қолиши**

Ижарачи вафот этган тақдирда унинг меросхўрларидан бири амал қилиб турган ижара шартномаси ва унинг шартлари асосида ўзини ижарачи деб эътироф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Амалдаги ижара шартномасининг тузилишига вафот этган ижарачининг шахсий фазилатлари асос қилиб олинган бўлса, у ҳолда ижарага берувчи меросхўрни ижарачи деб эътироф этишдан бош тортишга ҳақлидир.

16-модда. **Мол-мулк бошқа мулкдорга ўтганда ижара шартномаси кучининг сақланиб қолиши**

Ижарага олинган мулкка эгалиқ қилиш ҳуқуқи ёки Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунларида санаб ўтилган ҳуқуқлар ижарага берувчидан бошқа шахсга ўтганда илгари тузилган шартнома, башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, янги мулк эгасига нисбатан ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Мулк эгаси бўлмаган юридик шахс қайта ташкил этилган ҳолларда унинг ижарага берувчи сифатидаги мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ҳуқуқий ворисларга ўтади.

17-модда. **Мулкни ижарага берувчига қайтариш**

Ижара шартномаси тўхтатилгач, ижарачи мулк, ер ва бошқа табиий ресурсларни шартномада айтиб ўтилган ҳолатда ижарага берувчига ўз вақтида қайтаришга мажбурдир.

Агар ижарачи ижарага олинган мулкнинг ҳолатини ёмонлаштирган бўлса ёки уни ўз вақтида эгасига қайтармаса, шунинг оқибатида етказилган зарарни ижарага берувчига тўлашга мажбурдир.

18-модда. **Ижарага олинган мулкни сотиб олиш**

Ижарачи ижарага олинган мулкни ижарага берувчининг розилиги билан тўла ёки қисман сотиб олиши мумкин, ер ва бошқа табиий ресурслар бундан мустаснодир. Давлат мол-мулки Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тарзда сотиб олинади.

Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш ижарачининг ўз маблағлари, шу жумладан ижара шароитида хўжалик фаолиятини олиб боришдан келган даромадлар, ижарачига қарашли мол-мулкни сотишдан, тушган пул, шунингдек кредитлар ҳамда амалдаги қонунларга зид бўлмаган усуллар билан қўлга киритилган бошқа молиявий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш учун давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ижарага олинган мулкни сотиб олиш чекланадиган ёки бунга рухсат этилмайдиган ҳоллар кўзда тутилиши мумкин.

19-модда. **Сотиб олиш шартномаси**

Мол-мулкни сотиб олиш юзасидан томонларнинг муносабатлари қонунлар ва шартнома билан тартибга солинади. Сотиб олиш шартномасида:

— сотиб олинаётган мол-мулкнинг таркиби ва пул (қиймат) баҳоси;

— сотиб олиш шакллари ва манбалари;

— сотиб олиш тартиби ва муддатлари;

— сотиб олишда учинчи шахсларнинг, жумладан кредиторларнинг қатнашуви;

— кафолатлар ва сотиб олинаётган мол-мулкнинг сифати;

— Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа қоидалар белгилаб қўйилади.

Сотиб олиш шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шу жумладан шартномани бир томонлама ўзгартирганлик ва бекор қилганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва сотиб олиш шартномасида белгилаб қўйилган тарзда жавобгар бўладилар.

Сотиб олиш шартномасини тузиш ва уни бажариш чоғида келиб чиқадиган низолар тегишли суд томонидан кўриб чиқилади.

II бўлим.
ҚОРХОНАЛАРНИ ИЖАРАГА ОЛИШ

20-модда. **Ижарачилар жамоасини тузиш**

Корхона ёки унинг таркибий бирлиги (бундан буён корхона деб юритилади) меҳнат жамоаси унинг асосида ижара корхонасини барпо этиш учун ижарачилар жамоасини тузишга ҳақлидир.

Ижарачилар жамоаси ва унинг бошқарув идораларини тузиш тўғрисидаги қарор меҳнат жамоасининг қарор қабул қилишга ваколати бўлган умумий йиғилиши (конференцияси)да ҳозир бўлганларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади.

21-модда. **Корхонани ижарага олиш шартномасини тузиш тартиби**

Ижарачилар жамоаси ижара шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни корхонани ижарага бериш учун ваколат олган идорага юборади. Бу идора шартнома лойиҳасини олгач, ўттиз кунлик муддат ичида уни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши шарт.

22-модда. **Ижара корхонасининг мақоми**

Корхона ижара шартномаси имзоланганидан, умумий йиғилишда (конференцияда) устав тасдиқланганидан кейин ижара корхонаси мақомига эга бўлади. Ижара корхонасининг уставида корхонанинг қарзлари бўйича ижара жамоаси аъзоларининг мулкий жавобгарлиги кўзда тутилиши керак.

Ижара корхонасини ташкил этиш, унинг фаолияти ва уни тугатиш «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ижара корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ва корхона мулкини белгиланган тартибда қабул қилиб олгандан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Давлат корхонаси ижарага берилганида у Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади.

Ижарага олинган корхонанинг хўжалик фаолиятини ижарага олувчи мустақил юритади. Ижара шартномаси бўйича олган мажбуриятларини бажариш доирасидан ташқарида ижарачи бошқарувда ва ўз хўжалик фаолиятида батамом эркиндир. Ижарага берувчининг ижарага олинган корхона фаолиятига аралашишига, режаларни, ҳисоботларни ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда шартномада кўзда тутилмаган бошқа маълумотларни ўзига беришни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ижара корхонасини бошқариш «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва уставга мувофиқ амалга оширилади.

23-модда. **Корхоналарни ижарага олишдаги ҳуқуқий ворислик**

Ижара корхонаси ижарага олинган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларига, шу жумладан унинг ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларига қонуний ворис бўлиб қолади. Бунда ижарага берувчи корхонанинг кредиторлик қарзларини тўла ёки қисман тўлашни ўз зиммасига олиши мумкин.

Ижарачи давлат корхонасининг ана шу корхона шартномасида кўзда тутилган ҳажмда ва муддатда маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилиш борасидаги мажбуриятини бажаради. Ижарага берувчи моддий ресурслар ёки уларга оид лимитларни (фондларни) ижарачига топширади, шунингдек ана шу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган бошқа зарур чораларни кўради. Ижарага берувчининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ижарачининг зиммасидан тегишли мажбуриятларни соқит қилади.

Ижара корхонаси ижарага олинган давлат корхонаси учун белгиланган ҳажмда марказлаштирилган капитал маблағ ва дотация олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ана шу маблағлар эвазига яратилган мол-мулк давлат мулки ҳисобланади ҳамда ижарага бериладиган мулк таркибига киритилмоғи даркор.

Ижарачи учун керагидан ортиқча бўлган корхоналар, объектлар ва мол-мулкни ижарага олишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

24-модда. **Корхоналар ва уларнинг мулкий комплексларини ижарага танлов асосида бериш**

Корхоналарни ва уларнинг мулкий комплексларини ижарага олиш юзасидан танлов тегишли мулкни ижарага бериш ҳуқуқи бўлган мулкдор ёки у ваколат берган идора томонидан эълон қилинади.

Танловда корхоналарнинг, улар таркибидаги бўлинмаларнинг меҳнат жамоалари, мазкур корхонада банд бўлмаган ходимларни ҳам ўз ичига оладиган аралаш жамоалар ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин.

Бошқа шартлар бир хил бўлган тақдирда корхона ёки унинг бўлинмасини ижарага олишда уларнинг меҳнат жамоалари устун ҳуқуққа эга бўладилар.

25-модда. **Давлат корхонаси қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳолларда уни ижарага олиш**

Давлат мулкини идора этиш ваколати берилган давлат идораси давлат корхонасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда меҳнат жамоаси корхонани ижарага беришни талаб қилишга ҳақлидир.

26-модда. **Корхона бўлинмасининг мулкини ижарага олиш асосида ижара корхонасини барпо этиш**

Корхоналарнинг ишлаб чиқаришлари, цехлари, бўлинмалари, фермалари ва бошқа бўлинмалари мулкини ижарага олиш асосида ўша бўлинманинг розилиги билан ишчиларнинг ўзлари, ўзга жамоалар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан корхонани ижарага бериш ваколати бўлган идоранинг қарорига кўра ижара корхонаси барпо этилиши мумкин.

Ижара шартномаси мулкининг бир қисмини ижарага топшираётган корхона билан тузилади.

Бундай ижара корхонаси амалдаги қонунларга мувофиқ рўйхатга олинади.

27-модда. **Хўжалик ичидаги ижара пудрати**

Корхона ўз бўлинмаларининг ходимларига мол-мулкни хўжалик ичидаги ижара пудрати шаклида ижарага бериши мумкин.

Корхона билан ана шундай ижарачи жамоа ўртасидаги муносабатлар шартномада белгиланади.

Ер ва бошқа табиий ресурсларни хўжалик ичида ижарага олиш Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва шартнома билан тартибга солиб турилади.

28-модда. **Жамоат бирлашмалари ва ташкилотларига қарашли мулк асосида ижара корхоналарини барпо этиш**

Жамоат бирлашмалари, ташкилотлари ўзлари белгилайдиган ва ушбу Қонунда кўзда тутилган шартлар асосида ўз корхоналарини ва уларнинг бўлинмаларини ижарага беришга ҳақлидирлар.

III бўлим.
МУЛКНИНГ ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН ИЖАРАГА ОЛИНИШИ

29-модда. **Ижарачиларнинг якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ижарага олишдаги ҳуқуқлари**

Ижарачилар якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ижарага олганда ушбу қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқларга эга бўладилар.

30-модда. **Якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ижарага олиш шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахсларни ижтимоий суғурталаш ва ижтимоий таъминлаш**

Якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ижарага олиш шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар ишчи ва хизматчилар билан бир қаторда ижтимоий суғурта қилиниши ва ижтимоий жиҳатдан таъминланиши керак.

Ижарачиларнинг суғурта бадаллари тўлаб турилган давр мобайнидаги иши уларнинг меҳнат стажига қўшилади.

IV бўлим.
НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ, ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

31-модда. **Низоларни ҳал этиш**

Ижара шартномасини тузиш, бажариш ва тўхтатиш масалалари юзасидан ижарачилар билан ижарага берувчилар ўртасидаги низолар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда тегишли суд томонидан ҳал этилади.

32-модда. **Ижара муносабатлари субъектларининг жавобгарлиги**

Қуйидаги ҳолларда:

шартнома тузиш тартиби ва шартларини бузишда;

шартнома мажбуриятларини бажармасликда;

шартномани бир томонлама ўзгартиришда ёки бекор қилишда;

шартномани ўзгартириш ва тўхтатиш тартиби ҳамда шартларини бузишда айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, давлат идораларининг мансабдор шахслари қонунларда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида ижара тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузганлик учун ҳам жавобгарлик кўзда тутилиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзлари етказган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жабрланувчига тўлашлари шарт.

Ижарачи ижарага олинган корхонанинг қарзлари бўйича ўз мол-мулки билан, ижарачи жамоа аъзоларининг шахсий мол-мулки билан, улар етарли бўлмаган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланадиган тартибда ва миқдорда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 19 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ИЖАРА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига икки ой муддат ичида.

— Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунига мувофиқлаштириш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига тақдим этиш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини мазкур қонунга мувофиқлаштириш, Республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари мазкур қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш;

— сотиб олиш ва ижарага топшириш йўл қўйилмайдиган ёки чекланадиган корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, мол-мулклар ва ресурслар турларининг рўйхатини белгилаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг муҳокамасига киритиш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар амалдаги қонунлар, башарти улар мазкур қонунга зид келмаса, қўлланаверади.

4. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қонун амалга киритилгунча ижара муносабатларига ўтган ижарачилар ўз хўжалик фаолиятларини тузилган ижара шартномаларига мувофиқ олиб боришга ҳақлидирлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати 1989 йилнинг 29 декабрида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида ижара тўғрисидаги Низом ҳақида»ги фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ведомостлари, 1990 йил, № 1, 5-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, халқ депутатлари маҳаллий советлари, уларнинг ижроия идоралари ижарага ўтган корхоналар (ташкилотлар)дан бўшатилаётган ходимларни иш билан таъминлаш масалаларини зарур бўлса кўриб чиқсин, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни уюштирсин.

7. Ушбу қонуннинг ижросини назорат қилишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 19 ноябрь.

Д И Ё Н А Т

Муаллим сиймосига чизгилар

МУАЛЛИМ Юсуф Шокировнинг феъл-атворини яққол ифодалайдиган бир неча ажойиб далил бор. Чунончи, у ўзининг 71 йиллик ҳаёт йўли, 52 йиллик муаллимлик фаолияти давомида бирор марта ҳам қўлига касаллик варақаси тутмаган. Шунингдек, бирон марта бўлсада, узрсиз сабаб билан ўқувчиларига берадиган сабоғини қолдирмаган. Бу айтишга осон, аммо ҳаётда, амалда бажариш-чи! Бу бир жиҳатдан, унинг ҳавас қилса арзигулик соғлом инсонлигини билдирса (бу ҳаммага ҳам насиб этсин), иккинчи томондан, унинг ўта диёнатли инсон эканлигини англатади. Бинобарин, шундай диёнатли кишиларни фаришта десак, бундайларни ҳозирги шароитда кундузи чироқ ёқиб ҳам орамиздан топиш амри маҳол, десак ҳеч муболаға бўлмас.

Халқимизнинг «Дарахт бир жойда кўкаради», деган мақоли қанчалик ҳақиқат эканлигини ҳам ярим асрдан ортиқ вақтдан буён ўз касбига катта садоқат, меҳр-муҳаббат кўрсатиб келаётган Юсуф ака Шокировнинг меҳнат фаолиятида яққол кўриш мумкин. У муаллимлик фаолиятининг 42 йилини Тошкентдаги Л. Б. Шастри номли мактабда ўтказиб келаяпти. Шундан роппа-роса 30 йили мобайнида илмий мудир бўлиб ишлади. Илмий мудир эса бу — биласизки, ҳар қандай мактаб педагоглар жамоасининг юраги, таъбир жоиз бўлса, таълим-тарбиявий ишларнинг ҳам бош муҳандиси. Биз бу сўзларни бежиз таъкидлаётганимиз йўқ. Айтайлик, сиз орден билан мукофотланган мактабни эшитганмисиз? Эҳтимол, бундай мактабни биларсиз. 24-ўрта мактаб 1966 йилда халқ маорифи, таълим-тарбия соҳасида эришган ютуқлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Бу камдан-кам бўладиган воқеа. Ўша вақтда эса Юсуф Шокиров мазкур мактабга илмий мудир бўлган ва хизматлари одилона эътиборга олиниб, жамоа орасидан фақат у «Ҳурмат Белгиси» орденига лойиқ кўрилган. Чунки ҳам муаллим, ҳам муаллимларнинг мураббийси Юсуф Шокиров илмий методик ишларга раҳбарлик қилиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва уларни оммалаштиришда алоҳида иқтидор, зўр ташаббус кўрсатди. Бу ишларни амалга оширишда эса у даставвал тажрибакор, ўз ишига қунт билан қарайдиган муаллимларга суянди. Уларнинг тажрибаларини эринмай ва тинмай ўрганди, шахсий ташаббусларга ҳамиша кенг йўл очди. Юсуфжон ака ўшанда фақат ўзи ишлаётган мактабдаги ўқитувчилар фаолияти, иш тажрибасини чуқур ўрганиш билан кифояланмай, балки республика, Иттифоқ шаҳарларидаги бир қатор машҳур мактабларнинг тажрибаларини ҳам бориб ўрганиб, қаттиқ изланди, бу тажрибаларни жамоа орасига ёйди, ўргатди. Ўшанда у Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарларда бўлиб қайтар экан, ҳар сафар албатта қизиқарли, муҳим бир янгиликни топиб келар, ҳеч иккиланмай уни амалда қўллар эди. Юқоридан гап эшитишдан чўчиб ўтирмасди. Ҳа, турғунлик йилларида ҳам орденларни кишиларга бекордан бекорга улашаверишмаган экан. Зеро, Юсуф Шокиров пойтахтдаги Л. Б. Шастри номли мактабни елкасига опичлаб, ортмоқлаган, унинг шуҳратига шуҳрат қўшган, республикага танитган тажрибали раҳбар муаллимлардан бири бўлдики, ўқитувчилар жамоаси ҳам бунинг учун уни ниҳоятда ҳурмат қилишади, эъзозлашади.

Муаллим Юсуф Шокировнинг феъл-атворини ифодалайдиган далиллардан яна бири унинг кучли, мустаҳкам иродасидир. Зотан, камбағал ҳунарманд оиласида дунёга келиб, отадан етти ёшда етим қолган Юсуф болаликда ҳар кимнинг қўлида тарбия кўрган бўлсада ҳаёт тақозоси билан муаллим бўлиб вояга етди. Муаллим бўлганда ҳам жуда одамий, нафқат ўқувчиларга, балки касбдошларига ҳам меҳрибон ва жонкуяр, айни вақтда раҳбар сифатида талабчан устоз бўлиб танилди, тан олинди. Зеро, у ҳар бир ишни — ўқувчиларга сабоқ беришни ҳам, раҳбарлигини — муаллимларга сабоғини ҳам режали ва изчил йўсинда олиб борарди. Биз юқорида уни муаллимлар мураббийси, деб бежиз айтмадик. Масалан, у илмий мудир сифатидаги фаолиятида доимо ўқитувчиларни икки гуруҳга бўлиб иш олиб борарди. Биринчи гуруҳ — тажрибали, ўз устида қунт билан ишлайдиган муаллимлар. Уларнинг сабоғини кузатганда кўпроқ улардан бирор бир янгилик ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўярди. Иккинчи гуруҳ эса — тажрибасизроқ, ёш ва мактабга янги келган муаллимлар. Уларнинг дарсига кирганда йўл қўйган камчиликларини аниқлаб, фойдали, аниқ йўл-йўриқ, маслаҳатлар берарди. Ҳолбуки, мактабларимиздаги ҳозирги аксарият илмий мудирлар ўз вазифасини фақат муаллимларга дакки беришдан, уларни қаттиқ назорат қилишдангина иборат, деб билишади ва шундай қилишади ҳам.

Шу боисдан ҳам устозларнинг устози деган иборани аслида айни Шокировга ўхшаган устоз-муаллимларга қўлласа арзийди. Унинг қўлида таълим-тарбия кўрган ва ҳозирда турли соҳаларда меҳнат қилаётган зиёли кадрларнинг барини санаб адоғига етиш қийин. Дарвоқе, мактабнинг жуғрофия хонасида ажойиб бир стенд бор. Унда биргина шу мактабда, Юсуф Шокировнинг қўлида ўқиб, кейинчалик, географ, малакали мутахассис бўлиб етишиб чиққан собиқ ўқувчиларнинг суратлари осиғлиқ турибди. Шундай суратлар 40 дан зиёд. Бу собиқ ўқувчилар — Юсуф аканинг шогирдлари ҳозир турли олий билимгоҳлар, илмий текшириш муассасалари, ўрта мактабларда хизмат қилишади. Улар орасида оддий ўқитувчилар ҳам, фан докторлари бўлган географлар ҳам бор. Чунончи Ҳ. Маъсудов, М. Расуловлар Низомий номли Тошкент давлат дорилмуаллимининг доцентлари, билимгоҳ жуғрофия кафедрасида ишлашади. С. Мирсолиҳов — республика ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш илмгоҳида кабинет мудири. Б. Ҳамидов республика табиат музейи ходими, Э. Ортиқов ва Шермуҳамедовлар шу мактабда жуғрофия ўқитувчиси. Пойтахтимизда яшайдиган олим Тўлқин Миркомиловларнинг оилавий сулоласи ҳам ўз вақтида ўрта мактабда пухта таҳсил олишгани учун Юсуф Шокировдан миннатдор, унинг олдида шогирд сифатида бурчлидирлар. Бу оиладан икки нафар фан доктори, икки нафар доцент, фан номзоди етишиб чиқишида, бунинг учун пухта замин яратилишида домла Шокировнинг ҳиссаси катта. Зотан, Юсуф Шокировнинг илмли ва билимли шогирдлари саноғига етиш ҳам қийин...

Л. Б. Шастри номли мактабдан 5 нафар республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, 25 нафар турли даражадаги халқ маорифи аълочиси, методист ва катта ўқитувчилар етишиб чиқди. Ҳозирда мактабда ишлаб турган 100 нафарга яқин муаллимнинг чорак қисми шу мактабнинг, чунончи, Шокировнинг ҳам собиқ ўқувчиларидир. Мактабнинг ҳозирги директори Жамолиддин Низомов, илмий мудир, жуғрофия ўқитувчиси Абдураҳим Абдураҳмоновлар ҳам Юсуф аканинг шогирдлари, унинг таълимини олган раҳбарлардир. Дарвоқе, Юсуф Шокировдан таҳсил олиб ҳозирда район ва шаҳар мактабларига раҳбарлик қилаётган, директор, муовин ёки илмий мудир бўлиб ишлаётганлар ҳам ўн нафардан зиёддир...

МАКТАБДА ўлкашунослик музейи ва намунали жуғрофия хонаси ташкил этилган бўлиб, аксарият кўргазмали қуроллар ўқувчиларнинг ўз қўллари билан ишланган. Низомий номли Тошкент давлат дорилмуаллимининг жуғрофия кафедралари қирқ йилдан буён шу мактабда Юсуф Шокиров раҳбарлигида талабаларнинг педагогик практикасини ўтказиб келади. 1985 йилдан бошлаб эса 24-мактаб негизида дорилмуаллимин жуғрофия кафедраларининг филиали иш олиб бормоқда.

Ярим асрдан зиёд вақтдан буён муаллимлик қилаётган Юсуф Шокиров ҳар бир ўқитувчида қуйидаги энг муҳим хислатлар бўлиши кераклигини уқтиради:

Биринчидан, ўқитувчи аввало инсонийлик, виждон қонунига амал қилиши керак. Агар унда диёнат, меҳр-оқибат бўлмаса, ҳар қандай давлат қонуни ёки бошқа қонунлар бекор бўлиб қолаверади.

Иккинчидан, ўқитувчи ҳамма вақт изланиши, ишда ижодкор бўлиши керак. У ҳар доим, ҳар бир сабоғида ўқувчига янгилик бериб бориши лозим.

Учинчидан, муаллим ўз фанини чуқур билмоғи, уни, таъбир жоиз бўлса, ипидан игнасигача, миридан сиригача пухта эгаллаб олмоғи зарур. Токи одамлар у ҳақда «Фалончи муаллимнинг иш услуби яхши», деб айтадиган бўлишсин.

Тўртинчидан, халқ эътироф этадиган ва унга энг аввало зарур бўлган икки мўътабар касбнинг бири — докторлик, бири — муаллимликдир. Шу боис муаллим ҳамиша ўз касбига ҳурмат билан қараши, уни қадрлаши керак.

Ярим асрдан зиёд вақтдан буён муаллимлик қилаётган, узоқ йиллар раҳбар, илмий мудир бўлган Юсуф ака Шокировнинг таълим-тарбия, маориф соҳасида ўз тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган аниқ-равшан, салмоқли таклифлари бор:

ХАЛҚ таълими вазирлиги шу вақтгача мавжуд бўлиб келган ва қотиб қолган андозалардан чиқиб ўқув йилини 4 та чоракка эмас, балки 2 та ярим йилликка бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу юзакичиликка, синф журналларида ўқувчига сунъий баҳолар қўйишга, авж олган қоғозбозлик ва расмиятчиликка барҳам бериб, таълим сифатини анча яхшилашга кўмаклашади. Ўқувчиларнинг таътилларини эса ўз ўрнида қолдиравериш мумкин.

Ўқув режаларида фанлар бўйича дарс соатларини ҳозиргидек 1 ва 2 ярим йилликларга турлича қилиб эмас, балки бир хилда тақсимлаш лозим. Бу биринчи навбатда ўқувчига қулайлик, енгиллик туғдиради. Қолаверса, энг муҳими, муаллим учун мавжуд бўлган катта ўнғайсизлик, ноқулайликларга чек қўйилади. У маошини йил давомида бир хилда барқарор оладиган бўлади.

Синфларда ўқувчилар сонини 20-25 нафардан оширмаслик керак. Қанча катта маблағ талаб қилишдан қатъий назар мустақил республикамиз бунга эришмоғи лозим. Ўшанда рус тили, умуман, бошқа чет тилларни ҳам икки гуруҳга бўлиб ўқитишга (бу масалани ҳозирги шароитда, албатта, қайта кўриб чиқиш даркор) ўз-ўзидан зарурат қолмайди. Зеро, ҳозиргидек 35-40 болага сабоқ бериш «игна билан қудуқ қазиш»дай гап. Бундай шароитда муаллимдан нимани ҳам талаб қилиш мумкин?

60 — 70 йилларда ўқувчи тарбиясида мактаб билан маҳалла-кўй, оила, ота-она, жамоатчилик ҳамкорлиги кучли эди. Ўша даврдаги шундай хайрли анъаналарни, шунингдек, мактабларнинг ҳамда алоҳида муаллимларнинг таълим-тарбия, ўқитиш соҳасидаги илғор тажрибаларини ўзаро алмашиб туриш амалиётини ҳам тиклаш лозим. Зеро «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққами кетгумдир ахир». Шундай экан, энг яхши тажрибаларни ўрганмай, оммалаштирмай туриб мактаб мавқеини, нуфузини, таълим сифатини кўтариш мушкул.

Ҳозирги халқ таълими вазирлиги, шунингдек, халқ маорифи қуйи идораларини тубдан янгилаш, таъбир жоиз бўлса, миллийлаштириш даркор. Бу — давр тақозоси. Бинобарин, бу идораларда ҳозир ишлаб турганлар орасида ўзбек тилида ёзиш у ёқда турсин, оддий сўзлашувни ҳам зўрға эплайдиганлар кўплаб топилади. Хўш, бундай мутахассислар республикамизнинг мустақилликка эришгани шароитида ўзбекона миллий таълим-тарбияни, одобномани кучайтиришга бел боғлаган муаллимларга қандай қилиб кўмак ёки ўгит беришади? Буни ҳукумат бир ўйлаб кўрсин...

УШБУ мулоҳазаларга тан бермай иложингиз йўқ, муҳтарам муштарий! Бу мушоҳадалар муаллим Юсуф Шокировнинг фикрлари тиниқлигини, замон билан ҳамнафаслигини англатади. Қанийди ҳамма соҳаларда, ҳар бир жамоада сиз билан бизнинг сафимизда ана шундай теран фикрловчи, зукко фахриялар савлат тўкиб юришса. Сиз билан бизга ўгитларини, маслаҳатларини бериб, хатолардан, адашишлардан асраб-авайлашса...

...Муаллим Юсуф Шокиров серфарзанд инсон. У кишининг етти нафар қизи, икки ўғли бор. Ҳаммаси уйли-жойли. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, уларнинг бари олий маълумотли. (дарвоқе, беш нафари 24-мактабда ўқишган). Фарзандларининг тўрт нафари ота касбини тутишди.

...Айтишларича, инсон икки хил қарир экан. Худо кўрсатмасину, айрим кишилар кексайганида инжиқ, серзарда, катта-ю кичикнинг, яхши-ю ёмоннинг фарқига бормайдиган, оқибатсиз бўлиб қоларкан. Одатда эл орасида бундай кишиларни: «Ёмон қарибди», деб айтишади. Шукрким, кўп кексаларимиз улуғлик ёшига етишганида чеҳрасидан нур ёғиладиган, инсон қадрига етадиган, сўзларидан ҳаёт фалсафаси уфурадиган, каттани ҳурматлаб, кичикни эъзозлайдиган бўлишади. Бундайларга нисбатан: «Яхши қарибди», деган иборани ишлатишади.

Юсуф ака Шокиров ана шундай «яхши қариган»лар сирасидан. У киши билан суҳбат қилсангиз роҳатланасиз, ҳаёт фалсафасидан, донишмандлигидан баҳраманд бўласиз.

Ҳинд халқида ажойиб бир фазилат бор. У ёши улуғларни, донишмандларни ниҳоятда қадрлайди, эъзозлайди. Уларнинг донолиги, закколиги, ҳаёт тажрибасидан ҳам ўринли, ҳам самарали фойдаланади. Л. Б. Шастри номли ҳинд тилини ўргатишга ихтисослашган 24-ўрта мактаб ўқитувчилари жамоаси ҳам меҳр-оқибатли инсон, донишманд муаллим, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, партия аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Юсуф Шокировни ана шундай ҳурматлашади ва эъзозлашади. Зотан, у ўз ҳаёти-фаолиятида ўқитувчилик касбининг энг мўътабар анъаналарига қатъий риоя қилди, уларга сира шак келтирмади.

Олимжон НАЗАРОВ.

БИР СОАТЛИ ЯХШИ ДАРС ЙИРИК БИР АСАРДИР.
В.И. Ленин.
МЕТОДИК ИШЛАР
БУЮК
ЭЪЛОНЛА

Суратда: [чапдан ўнгга] мактаб директори Ж. Низомов, бошланғич синф ўқитувчиси П. Ҳабибуллаева, Юсуф Шокиров, ҳинд тили ўқитувчиси Х. Ҳакимова, бошланғич синф ўқитувчиси Н. Убайдуллаева.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«ҚАРАВАН» ХАЛҚАРО ЎЗБЕК-РУС САВДО УЙИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАЕТГАНЛИГИНИ.

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА УНИВЕРСАЛ ТОВАР-ЖАМҒАРМА БИРЖАСИ, РОССИЯ ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ, «ТАБАНИ» КОРПОРАЦИЯСИ ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДОИРАСИНИНГ БОШҚА НУФУЗЛИ ВАКИЛЛАРИ САВДО УЙИНИНГ МУАССИСЛАРИДИР.

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ НИЗОМ ЖАМҒАРМАСИ 1000 ТА АКЦИЯГА БЎЛИНГАН 25 МИЛЛИОН СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ БАҲОСИ:

совет ҳуқуқий ва жисмоний шахслари учун — 25 МИНГ СЎМ.

чет эллик акционерлар учун — 5 МИНГ ДОЛЛАР.

ТАЛАБНОМАЛАР 1992 ЙИЛ 30 ЯНВАРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.

Мулоқот телефони: 45-81-55.

ВАЗИРЛИКЛАР, КОМИТЕТЛАР, МАҲКАМАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ, КИЧИК КОРХОНАЛАР, БИРЖАЛАР, КООПЕРАТИВЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«МАЪРИФАТ» МУСТАҚИЛ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ЎҚУВ-МАЪРИФИЙ ДОРИЛФУНУНИ

1992 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ПАЙТЛАРДА УЛАРНИНГ ЖОЙИДА

ҚУЙИДАГИ КУРСЛАРНИ ОЧАДИ

— рус тилида сўзлашувчи аҳоли учун ўзбек тили;
— ўзбек тилини яхши билмайдиган ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари учун ўзбек тили;
— араб имлосидаги эски ўзбек тили;
— ўзбек тилида иш юритиш;
— инглиз тили ҳамда Шарқ ва жаҳоннинг бошқа тиллари.

ЎҚИШ УЧУН ШАРТНОМА АСОСИДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ:

— битта тингловчи учун ташкилотлар ва муассасалар учун — ойига 25 сўм;

— ўқувчилар ва талабалар учун — ойига 15 сўм.
Ўқиш муддати — 100 соатли дастур бўйича 6 ой.
Хоҳишга кўра ўқув муддати узайтирилиши мумкин.
«Маърифат» дорилфунуни корхоналар ва ташкилотлар учун шартнома асосида ўзбек тилидан рус тилига, рус тилидан Давлат тили — ўзбек тилига таржимонлар тайёрлашни ташкил қилади.

МАШҒУЛОТЛАР ДОРИЛФУНУН БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой. Бир киши учун ўқиш ҳақи — ойига 300 сўм.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Курс охирида — гувоҳнома берилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан бўладиган ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларининг кенгайиши муносабати билан «Маърифат» дорилфунуни бошқа мамлакатларда яшовчи ватандошларимиз бўлмиш фуқаролар учун ўзбек, рус, эски ўзбек (араб имлоси асосида) тилларига ўрганиш юзасидан шартномавий асосларда ўз хизматларини таклиф этади. Ўқитувчиларнинг чет элларга чиқиши кўзда тутилади.

Юқорида кўрсатилган барча мутахассисликлар бўйича шартнома асосида ишлаш учун тажрибали муаллимлар керак.

Шартномада кўрсатилган пулнинг 50 фоизи ҳисобидан энг юқори миқдорларда ҳақ тўланади.

Корхоналар ва ташкилотлар билан шартномалар тузиш билан боғлиқ ишлар юзасидан меҳнат шартномаси бўйича штатдан ташқари ишлаш учун ИНСПЕКТОРЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИЛАР. Уларга ўзлари тузган шартномадаги пул миқдорининг 10 фоизи тўланади (бутун шартнома пули келиб тушган тақдирда, албатта);

— **икки тилда ёза оладиган юксак малакали машинистка КЕРАК;**

— **маслаҳатчи-ҳуқуқшунос**

КЕРАК

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, Марказ-1, 9-уй (консерватория қаршисида).
Телефонлар: 32-11-31, 33-61-25.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«ЎросдавгазЛИГИ» илмгоҳи ходимлари касаба уюшмаси раиси А. М. Абдуқаҳҳоровга онаси

Салтанат АБДУҚАҲҲОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент кимё-технология олий билимгоҳи ректорати ва жамоатчилиги шу билимгоҳ доценти Н. П. Исмоиловга отаси

Патхулла ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат Дорилфунуни риёзиёт ва амалий риёзиёти ва механика куллиётлари жамоаси риёзиёт куллиёти доценти, «Бирлик» Халқ ҳаракати Марказий кенгаши раисдоши Ш. Исматуллаевга онаси

ИСМАТУЛЛАЕВА САТИРА ЭРМУҲАММАД қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА МАРҲАМАТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДАН

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги республика Давлат мукофотлари қўмитаси ўзининг навбатдаги йиғилишида Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига оид масалаларни кўриб чиқди. Бу мукофотнинг низомига биноан Абдулла Қодирий мукофотига биринчи навбатда адабиёт, санъат ва меъморчиликнинг йирик эпик ва монументал жанрларидаги энг яхши асарлар тақдим этилиши керак эди. Бироқ 1991 йилда эълон қилинган олти ойлик қабул даврида Абдулла Қодирий мукофотига яхши баҳолар билан тавсия қилинган қатор асарлар орасида бирорта роман, эпик кўламидаги бирорта кинофильм ёки монументал меъморчилик асари тақдим этилмади. Шуни ҳисобга олиб, Давлат мукофотлари қўмитасининг кўпчилик аъзолари Абдулла Қодирий мукофотини адибнинг 100 йиллик юбилейи арафасида беришни, ўшангача қўшимча қабул эълон қилишни, бу юксак мукофотга муносиб асарлар танловини кенг кўламда пухта тайёргарлик билан ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топдилар.

Албатта, 1991 йилги қабул пайтида тақдим этилган асарлар ҳам адибнинг юбилейи арафасида ўтказиладиган асосий танловда тенг ҳуқуқли асосда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари қўмитаси.

• СПОРТ

КУЧЛИЛАР САФИДА

Яқинда журналистлар ва спорт-техника федерацияси ўзаро ҳамкорликда ўтган йилнинг кучли ўн спортчиси номини аниқлади. Улар орасида қайиқ модели бўйича тошкентлик Алексей Десятков билан Владимир Чернов, ракета модели билан шуғулланувчилардан самарқандлик Хуршид Қудратиллаев билан урганчлик Иван Турсин ҳам бор. Радио спорти бўйича халқаро классдаги спорт мастери гулистонлик Сония Тетюхина, ҳарбий-амалий спорт турини танлаган жиззахлик Ноила Юнусовалар ҳам кучлилар сафидан жой олишди. Тошкентлик Наталья Петрова билан Оксана Глушко сув ости кўпкураши бўйича шуғулланувчилар орасида эътибор қозондилар. Тошкентлик Александр Хорст ҳам кема модели ясовчиларидан. Унинг ҳамшаҳри парашютчи Энесса Степанова номини мухлислар яхши эслашади. Спорт-техника ишқибозлари бу йил ҳам мавсумни кўтаринки руҳда ўтказишни мўлжаллашмоқда.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАЙЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-33-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367 500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11
№ 8.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.